

«ОИЛА МУҚАДДАС ҚЎРҒОН»

*Абдуразоқова Зумрад Мухамадали қизи
Жўраева Гулиода Фахриддиновна
Тошкент вилояти Паркент тумани
13-мактабнинг амалиётчи психологлари*

«Оила кичик ватан, оила тинч бўлса, бахтли бўлса, ватан тинч бўлади»

Ш.М.Мирзиёев

Конститутсиямизда оила жамиятнинг асосий бўғини эканлиги ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга эканлиги белгилаб қўйилган. Ҳар қайси миллатнинг ўзига хос маънавиятини шакллантириш ва юксалтиришда, ҳеч шубҳасиз, оиланинг ўрни ва таъсири бекиёс. Чунки инсоннинг энг соф ва покиза туйғулари, илк ҳиссий тушунча ва тасаввурлари биринчи галда оила бағрида шаклланади. Яъни оила маънавий жиҳатдан бутун бўлсагина, мустаҳкам бўлади. Мустаҳкам оилалардан ташкил топган мамлакат эса, албатта, қудратли бўлади.



Оилада эр-хотиннинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари юзасидан туғилаётган баҳслар, турмушнинг дарз кетиши ва у билан боғлиқ можаролар, айрим хонадонлардаги мавжуд нотинч маънавий-руҳий муҳит натижасида содир бўлаётган никоҳдан ажралишлар бугунги кунда жамиятимизда жиддий эътибор қаратилиши лозим бўлган масаладир.

Арзимаган важлар сабаб оилани барбод этиш, албатта, болалар тарбиясига салбий таъсир этади. “Боланинг уволи тутади”, деган гаплар ҳам ўз-ўзидан пайдо бўлмаган. Афсуски, увол-савобни билмайдиган, норасидаларнинг етим қолишини уйламайдиган ота-оналар ҳам орамизда йўқ эмас.

Хўш, нима учун бундай ҳолатнинг вужудга келяпти? Асл сабаби нимада?

Таҳлилларга кўра, бу муаммонинг бош омили — уларнинг ҳуқуқий билимга етарли даражада эга эмасликлари, ҳуқуқий саводхонлик даражасининг пастлигидан далолат беради. Шунинг учун улар ажралиш ҳолати қандай оқибатларга олиб келишини тушъуниб етмайдилар.

Эътибор қилинг, ажралиш туфайли нотўлиқ оила вужудга келади. Айни кунда аксарият ижтимоий хавфли жинойтлар содир этаётган аёллар ва вояга етмаган болалар нотўлиқ оилалардан эканлиги кузатиляпти. Ёки бўлмаса, бошқа ҳуқуқбузарликлар, одам савдоси қурбонлари, ноқонуний йўл билан чет давлатларга чиқиб кетаётган ёшлар, аёллар, албатта, буларнинг барчаси асосан ажралиш оқибатида юзага келган ҳамда нотўлиқ оилаларда бўлаётгани ачинарли.

Оилаларнинг бузилиш сабаблари ўрганиб чиқилганда, 28 та ҳолатда фарзандсизлик, 7 тасида хиёнат, 34 тасида узоқ вақт бирга яшамаслик, 119 тасида оилавий келишмовчиликлар ва қолган ҳолатларда ёшларимизнинг оила қуришга тайёр эмаслиги, соғлиғига эътиборсизлик, йигитларнинг оилани бошқаришни, рўзгорни моддий таъминлаш, фарзандларни маънан ҳамда жисмонан соғлом қилиб тарбиялашни ўз бурчлари, деб билмасликлари, қизларнинг эса уй бекаси, оналик вазифасини тушъунмаслиги, аксарият ҳолларда қайнона ва келин ўртасидаги можаролар туфайли юзага келаётганлиги маълум бўлди.

Қолаверса, ажралиш ҳолатлари оилалардаги конъфликтлар, ўзаро мухаббатнинг йўқлиги, феъл-атворнинг тўғри келмаслиги, эр ёки хотиннинг касаллиги, ачинарлиси, айрим йигитларнинг ичкиликбозлик, гиёҳвандликка берилиб кетиши ёки бошқа аёллар билан ҳаёт кечириши натижасида ҳам келиб чиққан.

Биламизки, оилалар тинчлиги ва мустаҳкамлигида оила бошлиғи — эркакларнинг ўрни ҳамда масъулияти жуда катта. Чунки ҳаётнинг қийинчиликларини улар ўз елкаларига оладилар. Афсуски, амалиётда кўриб турибмизки, эркакларнинг оилавий муносабатларда ўз ўрнини йўқотиб қўяётгани, яъни иккинчи даражага тушъиб қолаётган ҳолатлар ҳам йўқ эмас.

Хўш, муаммоларнинг олдини қандай олиш зарур? Аввало, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаб бориш зарур. Бу жуда муҳим аҳамиятга эга. Унда бир қатор омилларга эътибор қаратиш лозим бўлади, яъни оиладаги ажримларни олдини олишда, асосан, ёшларни оила илмига ўргатиш мақсадга мувофиқдир.

Уларда оила муқаддас кўрғон эканлиги тўғрисидаги тарғибот-тушунтириш ишларини бутунлай янги босқичда, яъни ноодатий усул ва ёндашувлар асосида



олиб бориш керак.

Ёшлар оила аталмиш муқаддас даргоҳ остонасига қадам кўяр экан, “Мен оила қуришга тайёрманми? Оилам мустаҳкам бўлиши учун нималар қилишим керак?” деган саволларни ўзига берса, мустақил ҳаётга юзаки эмас, ўта жиддий масала деб қараса, оилаларда пайдо бўладиган баъзи бир нохуш ҳолатларнинг олди олинади.

Бахт қасрининг пойдевори чидам ҳамда меҳнатдан бунёд бўлишини ёшларимиз юракдан ҳис этишлари зарур. Зеро, ўз уйида бахтли бўлган инсонгина чинакам бахтиёрдир.

Бизнинг энг катта нажотимиз илм олиш, ҳаётимизга маърифатни сингдиришдир. Оиладаги ажримларга ҳам ва жамиятда учровчи бошқа иллатларни бартараф этишда ҳам илмнинг рољи чексиз. Ҳаётда яшашнинг асл моҳиятига тушбунган одам учун тўйнинг қанақа ўтиши-ю, мебельнинг қанақаси келгани муҳим эмас. Умргузаронликдан мақсад “одамлар кўриб кўйсин”, деб яшаш эмас. Биз йўлнинг бошидан адашиб кетяпмиз, қоронғуликка тобора кириб боряпмиз. Бунинг учун бизга Президент таъриф бергандек “нур” керак. Нур эса исломий маърифатдадир.



Давлат раҳбари исломий маърифатни ёшлар орасида кенг ёйиш, миллий қадриятларимизни улар онгига янада сингдириш ва бу орқали уларда соф маънавий тушбунчаларни пайдо қилиш зарурлигини таъкидлади. Мана шу ислоҳотда гап катта. Яна бир бор қайтаришдан чарчамайман – агар биз илмни, маърифатни барча нарсадан устун қўймас эканмиз, инсон бўлиб дунёга келиб, нима учун туғилганимиз ҳақида мутассил тафаккур қилмас эканмиз, иймонимиз остига ҳар куни сув қўйиб турмас эканмиз, айтиш мумкинки, олдимизга қўйган мақсадларимизга, кучли давлат қуриш каби улкан ниятимизга, жамиятимиз фаровонлигига етишимиз қийин кечади, вақт, зехн ва куч ортиқ зое кетади.

Гулдек оиласи бузилиб, руҳий босим ва маънавий инқирозга тушган аёлдан боласини тортиб олиш ва уни ўз хоҳишига қарши эр томонга бериш аёлга қилинадиган золимлик, деб ўйлайман. Аёл боласи билан тирик, боласи билан ҳаёт. Қанчадан қанча бузилган оилаларнинг аёли боласи учун яшаётгани, шулар учун янги режалар тузиб, ширин орзу ҳавасда умр кечираётганини кўрдик.

Иккинчидан, “боласи бор экан, дардисарни нима қиламан”, деган фикрга эга эркак йўлбошидан янглишган кишидир. Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в) “амаллар ниятга боғлиқ”, дея лутф қилганлар. Ниятни тўғри қўймаган, енгиллик илинжида бўлган, кераксиз орзу-ҳавасларга берилган, олдинги оиласидан нега ажрашгани ҳақида фикр юритмаган ва ўзига хулоса чиқармаган эркак эртага ота ва қайнота мавқега етишса, унда нима бўлади? Яна бир оила ота ёки қайнота маслаҳати берилиб, сақлаб қолиниш ўрнига, эътиборсизлик, илмсизлик ва масъулиятсизлик натижасида таназзулга юз тутди.

Муаммоларнинг асл илдизини топиб, илмли ва оқил кишилар ёрдамида ислоҳ этиш бугунги кун талабидир. Бу борада кучли-кучли олимларга, асарларга, кўрсатув ва эшиттиришларга, амалий ҳаракатларга эҳтиёжимиз бор. Ажримларнинг юзага келиши ва унинг оқибатлари психологик факторлар асосида ко’рсатиб о’тилган.

Юртимизда азалдан оила муқаддас кўрғон сифатида э’озланган. Зеро, инсон қалбида аҳиллик, меҳр-оқибат туйғулари, илм-ма’рифатга ошно бўлиш кўникмаси, аввало, шу азиз даргоҳда шакллана бошлайди. Бош қомусимизда оила жамиятнинг асосий бўғини, деб белгиланганлиги замирида ҳам ана шу миллий қадриятларимиз мазмуни мужассам. Оилани давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, уларни ҳар томонлама жамиятнинг асосий бўғини сифатида барқарорлигини та’минлаш ҳар бир мамлакатнинг доимий э’тиборда бўладиган устувор йўналишлардан бири саналади.

Турмушимиз тобора фаровонлашаётган пайтда оилалар мўртлашаётгани, оилавий ажримларнинг бирмунча кўпайиб бораётганлиги ташвишланарли ҳолат. Бунинг оқибатида қанчадан қанча оилаларнинг обрўси тўкилмоқда. О’ртадаги фарзандлар тирик етим бўлиб, бечора фарзандлар ушбу ҳолатдан сарсон ва саргардон бўлиб, нима қилишни билмай қолмоқда. Отасига борай деса она норози, онасига борай деса ота рухсат бермайди.

Бола икки ўтни орасида қолиб, бир қанча машаққатларга дуч келмоқда. Натижада эса боланинг тарбияси бузилмоқда. Ота-она ажрими аксар ҳолларда фарзандни ноқобил бўлиб вояга етишига сабаб бўлмоқда. Рухий изтироблар боланинг соғлом вояга етишига салбий та’сир қилади. Қалби бутун умрга кемтик бўлиб қолади.

Оила мустаҳкамлиги жамият мустаҳкамлигининг гарови экан, бу борада оилавий ажримларга етакловчи омилларни таҳлил этишнинг ҳаётий аҳамияти бор. Оилавий ажримларнинг салбий оқибатларини кўпчилик, айниқса, катта ёшдагилар яхши тушьюнади. Шу боис ҳар бир инсоннинг суянчи саналувчи бу муқаддас даргоҳга дарз етмасин, деймиз.

Оилавий ажримларга сабаб бўлаётган омиллар жуда кўп. Келинг, бугун уларнинг айримлари ҳақида фикр-мулоҳаза юритсак. Айтайлик, оилаларнинг

бир-бирига мос эмаслиги(лўнда қилиб айтганда, тенг тенгини топмаганлиги) ҳам ажримларни юзага келтиради. Я'ни куёвнинг оиласидаги ҳаёт тарзи келинниқига умуман ўхшамайди. Уларнинг ҳаётга муносабати, дунёқараши, фикрлаши, моддий имкониятлари бутунлай фарқ қилади.

Охир оқибат келишмовчилик, ўзаро жанжал, дилхираликлар рўй беради ва бу ҳолат ажрим билан яқунланиши ҳам ҳеч гап эмас. Бундай вазиятда ота-онанинг бир умр йиққантерганлари, тўйга қилган харажатлари, ҳаттоки, шириндан-шакар фарзандлар ҳам кўзга кўринмай қолади.

Масалан, урф-одатлар, қайнонанинг келинга сольиқ сольиши, куёвнинг эса келин томондан мулк та'ма қилиши, келинларнинг ота уйига "гап ташиши", телефон ва ижтимоий тармоқлар, ёшларнинг на фикрлаш, на пул топиш борасида мустақил эмаслиги, йигитларнинг ўз сўзини ўтказишга ҳаракат қилиши, қизларнинг эса "хўп"дан йироқлиги, диний билимдан беҳабарлик, ўзаро ҳурмат тушунчасининг йўқолиши, бесабрлик, айбини тан олмаслик кабилар ҳам кўп ҳолларда ажримларга сабаб бўлаётганини ҳам таҳлиллар кўрсатмоқда.

Айрим эркаклар ҳеч қаерда ишламайди. Рўзғорнинг бутун ташвишларини аёлининг зиммасига юклаб қўяди. Фарзанд тарбиясига ҳам қарашмайди. Бу аёлни ҳам ма'нан, ҳам жисмонан толықтиради.

Эр ёки хотиннинг узоқ муддат чет давлатлар--да бўлиши ҳам орага совуқчилик тушыиши, оилаларга дарз кетишига олиб келмоқда. Ҳаддан ташқари рашк қилиш, бир-бирига ишончсизлик ҳам ажралиш сабабларидан бири.

Ёшлар келин-куёвлик ҳақ-ҳуқуқлари, бурч ва мас'улиятларини яхши билмасликлари, оилавий маданиятни тушунмасликлари, умуман олганда ёшларнинг оила муносабатларига тайёр эмасликлари оила бузилишига асосий сабаб ҳисобланади. Оила қуриш, уни юритиш қандай амалга оширилиши, оила а'золарининг бир-бирларига муносабати қай тарзда бўлиши ҳақида муқаддас динимиз та'лимотларидан хабардор бўлиш оила мустаҳкамлигининг омилдир. Албатта, ҳар бир нарсани билиб, унинг мазмун-моҳиятига тушуниб етиб, билим асосида олиб борилиши кўп яхшиликларга сабаб бўлади. Оила муносабатлари жуда нозик ва мураккаб бўлиб, ниҳоятда эҳтиёт бўлиш, унга жиддий қараш лозим. Фарзандларимизнинг фақат моддий жиҳатлари эмас, балки ма'навий дунёсига кўпроқ э'тибор беришимиз зарур.

Эру-хотинларнинг ўзаро муносабатларида сабр ва бағрикенгликнинг етишмаслиги оила бузилишига сабаблардан биридир. Ҳаёт жуда мураккаб жараён бўлиб, унда турли ҳолатлар учраб туради. Гоҳи шодлик, гоҳи ғам деганларидай оилада эр ва хотин ўртасида ҳам турли сабаблар ила келишмовчиликлар бўлиб туради. Шошқалоқлик, жаҳлнинг тез чиқиши,

қаноатсизлик, манманлик, тирноқ остидан кир қидирмоқлик оилавий муносабатларга путур етказди. Шунини айтиб ўтиш жоизки, эр хотинининг бир ёмон хулқидан норози бўлса, унинг бошқа яхши томонлари ҳам бор эканлигини унутмасин. Аёл ҳам ўрни келганда ғазабини ютиши, гарчи ёқмасида, оилавий ҳурмат юзасидан ба'зи нарсаларга чидашга одатланиши лозим. Статистикаларга ко'ра севиб турмуш қурган оилаларда ажралишлар сони ко'роқ экан.

Ма'навий жиҳатдан бир-бирига сабр қилиш лозим бўлганидай, моддий жиҳатдан ҳам қаноатли ва сабрли бўлиш жуда муҳимдир. Чунки, оилада кўпгина келишмовчиликлар етишмовчиликдан келиб чиқади. Оила а'золарига ҳурмат, қайнота-қайнонанинг дуолари деган нарсаларга э'тибор камайиб кетаётгандай гўё. Ҳар қандай вазиятда ҳам оила муқаддас эканлиги, унинг шу даражага етишида ота-оналарнинг машаққатли меҳнатлари, ҳаракату харажатлари ва энг асосийси вақт сарф бўлганини унутмаслик керак.

Халқимизда “Бир кун жанжал чиққан уйдан қирқ кун барака кетади”, деган мақол бор. Баракаси, хотиржамлиги ариган оилада эса тинчлик, фаровонлик бўлмайди. Бир оиланинг равнақи мамлакат тараққиётига дахлдор экани ҳам шундан.

Шунини айтиш лозимки, жамиятимизнинг келажаги оилаларнинг мустаҳкамлигига боғлиқ. Оила никоҳ асосида вужудга келадиган маскан. Уни юритишда илоҳий та'лимотларга амал қилинадиган бўлса, у ҳақиқатда мустаҳкам ва бардавом бўлади. Бу борада ҳар биримиз бир ёқадан бош чиқариб, оилаларнинг мустаҳкамлиги, жамиятимизнинг соғломлиги ҳамда фарзандларимизнинг порлоқ келажаги йўлида ўстираётган ўғил қизларимизга тўғри тарбия бериб бормоғимиз лозим.